



## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА МАМЛАКАТНИНГ ИЖОБИЙ ИМИДЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАР КЕЧА ВА БУГУН

Отажонов Дониёр Шоназар ўғли

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Тиббий  
профилактика, соғлиқни сақлашни бошқариш вахорижий  
талабалар факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан  
ўринбосари,

[doniyorotajonov55@gmail.com](mailto:doniyorotajonov55@gmail.com)

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10073899>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> October 2023

Accepted: 30<sup>th</sup> October 2023

Online: 31<sup>th</sup> October 2023

### KEY WORDS

Ислом дини, ахлоқий  
меъёрлар, диний идора, гўзал  
фазилатлар, инсонийлик,  
тасаввуф, эътиқод,  
тажовузкор ғоялар,  
ғайридинлар, озодликдан  
маҳрум бўлиш, статистик  
маълумотлар, эзгулик,  
поклик, мусулмон.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада юртимиздаги Ислом маданияти, қадриятлари миллий урф одатларда акс этгани ҳақида маълумотлар берилиб, дин ниқоби остида турли тажовузкор ғояларни тарғиб қилувчилар Илом динидан ўз мақсадларида фойдаланишаётгани таҳлил қилинган. Тарихий маълумотларга кўра Марказий Осиёда етишиб чиққан барча олимлар ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни мукамал эгаллаб, бу борада жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга илмий кашфиётларни яратишган. Аҳамиятлиси, Ислом таълимоти, бошқа эътиқодлар қатори, фақат эзгуликни тарғиб қилиб, ғайридинларга нисбатан хайрихоҳлиги илмий китобларда қайд этилган. Динни ниқоб қилиб олганлар эса, Ислом дини борасида етарли маълумотга эга бўлмаганларга ўз мақсадлари йўлида бузғунчи ғояларни сингдиришмоқда. Масаланинг ечими сифатида мақолада Ислом дини борасидаги билимларни таълим жараёнига киритиш зарурати таъкидлаб ўтилган.

### Кириш қисм (Introduction)

Юртимизга ташриф буюрган хорижлик журналист билан суҳбат жараёнида Ғарб давлатларида Ислом цивилизацияси, Ислом эътиқодидаги инсонлар ҳақида, аксарият ҳолатларда, салбий муносабат шаклланганлигини сўзлаб берди. Тошкент шаҳри азалдан Ислом маданияти марказларидан бири сифатида эътироф этилгани учун лондонлик мутахассисни Ҳазрати Имом мажмуасига олиб бориб, диний идорамиз вакили билан суҳбатга чорладим. Олимнинг кенг дунёқараши, ҳам дунёвий, ҳам диний билимларга эга эканлиги, бемалол инглиз тилида суҳбат қура олиши меҳмонимизни яхши маънода ҳайратлантирди. Интервью чоғида юртимизда Ислом маданияти, қадриятлари, урф-одатлари, ахлоқий меъёрлари ҳақидаги мазмунли суҳбат англиялик тажрибали журналистнинг юртимиз маданияти ҳақидаги тасаввурини янада



кенгайтирди. Тасвирга олиш жараёни ва унинг натижасидан кўнглим тўлган бўлса-да, мавзуни кенгроқ ёритишга эҳтиёж, талаб, шу билан бирга ечимини кутаётган муаммолар борлигини тушундим.

## **Асосий қисм (Main part)**

Мавзуга чуқурроқ ёндашиш учун, кўпмиллатли, турфа дин ва эътиқод вакиллари истиқомат қиладиган юртимизда Мустақиллигимизнинг илк йилларида чоп этилган “Исломи дини нима” рисоласига мурожаат қилайлик. “Исломи ҳаққоният ва инсонийлик динидир. У поклик, хушхулқлик, ҳаё, инсоф, меҳр – оқибат ва ватанпарварлик каби инсоний фазилатларга чақиради. Исломи оққўнгил, тоза виждонли, ҳақиқий инсонни яратишда тарбиянинг икки воситасини қўллайди: илмга асосланган эътиқод ва ибодат” [2,4]. Рисола муқаддимасининг илк сатрлариданоқ инсоний тарбия, гўзал фазилатлар шакллантириш ҳақида сўз кетган. Яъни, Исломи дини негизида инсонийлик, маънавий камолот мавжуд. Исломи динининг ана шундай эзгу асослари мана неча асрлардан бери халқимизнинг миллий маданияти, қадриятлари, урф-одатлари, ахлоқий мезонлари, оилавий муносабатларда, ҳатто, илмий йўналишларда ўз аксини топиб келмоқда. “Исломи дини келганидан кейин Марказий Осиё халқлари ҳаётида диний қадриятлар тизими янгиланди, заминимиздан кўплаб мутафаккирлар, қомусий олимлар етишиб чиқди. Шунингдек, бу дин ўзининг бунёдкорлик таомилига кўра кўплаб меъморий обидалар, шаҳарларнинг бунёд бўлишига сабабчи бўлди”. [10] Исломи дини шунингдек, бадиий адабиётда ҳам ўз ўрнига эга бўлди. Масалан, мумтоз адабиётимизни тушуниш учун тасаввуфни англаш, ҳис қилиш, ҳеч бўлмаганда, бу борада маълум бир маълумотга эга бўлиш керак. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, юртимиз олий таълим муассасаларида, хусусан, ўзбек филологияси йўналиши бўйича тахсил олаётган талабаларга бу борада махсус фанлар ўқитилиши йўлга қўйилган. “Истиқлол туфайли ўзбек филологияси факультетларида «Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари» курси махсус фан сифатида ўқитила бошланди. Бундай хайрли иш бир неча йиллардан бери давом этиб келаётганига қарамасдан ушбу махсус фаннинг ўқув дастури ишлаб чиқилмаган эди. Университет таълим тизимидаги ана шу илмий-адабий эҳтиёж ҳисобга олинган ҳолда намунавий ўқув дастури тайёрланди. Махсус фан доирасида талабаларни миллий маънавиятимиз илдизлари ва исломи тасаввуфи асослари билан чуқурроқ таништириш мақсадида ушбу илмий мажмуа тартиб берилди. Бунинг кўмагида тасаввуф назарияси ва тарихи, тасаввуф ва бадиий ижод муаммолари, тасаввуфий адабиётнинг шаклланиши ва тараққиёти ҳамда тасаввуф эстетикаси масалаларини ўрганиш тавсия этилади. Ушбу тасаввуфий манбалар талабаларнинг «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи» фанидан олган билимлари асосига қурилган бўлиб, уни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш мақсадида Миллий университетда олиб борилаётган илмий-педагогик тажриба натижаларига суянилди”. [7]

Тарихга назар солсак, Исломи илмини дунёга танитган муҳаддис олимларнинг аксарияти юртимизда вояга етиб тарбияланганига гувоҳ бўламиз. Имом Ал Бухорий [3], Ат Термизий, [4] Ал Марғиноний каби маънавиятимиз дарғалари бир неча йўналишда изланишлар олиб бориб, Исломи илми тараққиётига ҳам ўз хиссаларини қўшганлар. “Имом ал-Бухорий авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, у ёзган асарларнинг сони йигирматадан ортиқдир. Улардан “Ал-жомеъ ас-саҳих”, “Ал-адаб ал-



муфрад”, “Ат-таърих ас-сағий”, “Ат-таърих ал-авсот”, “Ат-таърих ал-кабир”, “Китоб ал-илал”, “Барр ул-волидайн”, “Асоми ус-саҳоба”, “Китоб ал-куна” ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Буюк алломанинг энг муҳим асари, шубҳасиз, “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” дир. Бу асар “Саҳийҳ ал-Бухорий” номи билан ҳам машҳур. Унинг ғоят аҳамиятли томони шундаки, Имом ал-Бухорийгача ўтган муҳаддислар ўз тўпламларига эшитган барча ҳадисларини танлаб ўтирмай қаторасига киритаверганлар. Имом ал-Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга бўлиб, уларнинг ишончлиларини ажратиб, алоҳида китоб яратди. Аллома ибн Салоҳнинг таъкидлашича, ал-Бухорийнинг бу асарига киритилган ишончли ҳадисларнинг сони такрорланадиганлари билан бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат. Бу шарафли ишни биринчи ал-Бухорий бошлаб берган бўлиб, кейин қатор олимлар унга тақлид қилиб, шу залда ҳадислар тўпламини яратганлар. Имом ал-Бухорийнинг ушбу йирик асари ёзилганига тахминан 1200 йил бўлди, ўша даврдан бошлаб токи шу вақтгача у ислом таълимотида Қуръондан кейинги иккинчи ўринда турадиган муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб келинмоқда.” [3]

Шу ўринда Ислом дини фалсафасини чуқур тадқиқ этган ҳолда аниқ фанлар тараққиётига ўз хиссасини қўшган Абу Али Ибн Сино[5], Ал Беруний, Ал Хоразмийларни ҳам ёдга олиш зарур. Бу энциклопедист олимлар ижтимоий соҳалар қаторида аниқ фанлар бўйича кашфиётлар яратиб, жаҳон илм фан тараққиётига ўз хиссаларини қўшганлар. “Ал Хусайн Ибн Абдуллоҳ ибн Ал-Ҳасан ибн Али Ибн Сино – буюк олим, табиб, мусиқачи. Ўрта Осиё ва Эронда яшаган, турли ҳукмдорлар пайтида табиб ва вазир бўлган. Ибн Сино рисоалари Шарқ ҳамда Ғарбда бағоят машҳур. “Тиб қонунлари” назарий ва клиник медицина энциклопедияси — юнон, рум, ҳинд ҳамда ўрта осийлик табиблар нуқтаи-назари жамланмаси — бир неча аср давомида, ҳатто Оврупада ҳам зарур қўлланма бўлиб хизмат қилган. Асосий қизиқишлари– замонавий медицина янгиликлари, гомеопатия, халқ табobati, замонавий манбаларни ва медицинага оид рефератларни ўрганиш” [5]. Мазкур тарихий мисоллар орқали Ислом дини аниқ фанлар тараққиётига салбий таъсир қилмаганлигини таъкидлаш мумкин. Марказий Осиёда Ислом дини кенг тадқиқ этилаётган, илмий таҳлил қилинаётган даврда аниқ фанларнинг ҳам параллел равишда ривож топиши Ислом дини фалсафасининг илм фан тараққиётида ўз ўрнига эга эканлигини исботлайди. Абу Али ибн Синонинг замондоши бўлган Абу Райҳон Берунийнинг илмий мероси бунга яққол мисол бўла олади. “Абу Райҳон Беруний ... ўз ижоди билан Хоразм фанини юксак чўққига олиб чикди. Унинг сиймосида ўрта асрлар Шарқининг қомус ул-илими, астрономи, географи, маъданшуноси, этнографи, тарихчиси, шоири мужассамлашган. Беруний қаламидан фаннинг турли соҳаларига оид жуда кўп йирик асарлар чиққан бўлиб, бу асарларида унинг ана шу соҳаларни ниҳоятда яхши билган тадқиқотчи, фанда янгидан янги йўллар очган донишманд бўлганлигини кўришимиз мумкин... Беруний илмий асарлари ўз аҳамиятини йўқотмасдан авлодлар қўлида қадрлидир. “Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Менералогия”, “Сайдана” ва “Геодезия” каби йирик асарлари шулар жумласидандир.”[8] Умуман олганда, Ислом дини Марказий Осиё ҳудудида илм фан тараққиётига муҳим хисса қўшган.



Бундай тарихий мисоллар орқали биз Ислом динида маънавий поклик, илмга интилиш борлигини тушунамиз. Жаҳонда ҳам бу борада қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. “Марокаш Подшоҳлигининг пойтахти Работ шаҳрида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (ISESCO) ташкилоти ташаббуси билан ташкил қилинган “Ислом санъатининг башарият цивилизациясини яратиш ва тинчлик қадриятларини тарқатишга қўшган ҳиссаси” мазусида виртуал учрашув бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари Ислом олами башариятга ноёб санъат намуналари ҳамда бебаҳо илмий кашфиётларни туҳфа қилиб, глобал тамаддунга салмоқли ҳисса қўшганини таъкидладилар....Дунё маданияти ва маънавиятига ижобий таъсир кўрсатиш билан тинчлик ва бағрикенглик жараёнларига ҳисса қўшаётган ислом маданиятининг барча кўринишлари ва шакллари тарғиб қилиниши, ўрганилиши ва асраб-авайланиши зарурлигини алоҳида қайд қилдилар”.[9] Бугунги кунда юртимизда Ислом цивилизацияси маркази қад ростламоқда,[6] Ислом академияси фаолият кўрсатмоқда, Ислом оламида ўз ўрнига эга бўлган олимларининг руҳига ҳурмат бажо келтирилмоқда. “Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилганлиги мамлакатимиз миқёсида, шу билан биргаликда мусулмон дунёсида катта воқеалардан бири бўлди. Бу марказ ўз бағрига ислом тамаддуни билан боғлиқ жуда кўп моддий ва маънавий бойликларни тўпламоқда. Ҳозирги кунга қадар унга 400 дан ортиқ ноёб қўлёзмалар келтирилди. Аҳоли қўлида сақланаётган нодир қўлёзмалар, ислом олами билан боғлиқ нодир осори-атиқалар йиғилмоқда. Булар орасида энг муҳимлари — аждодларимиз томонидан яратилган дурдона асарлар, қўлёзмалар бўлиши шубҳасиз. Марказ бу борада хорижий мамлакатлар — Англия, Франция, Туркия, Россия каби ўнлаб давлатлардаги Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Франция ислом маркази, Париждаги Лувр музейи, Туркиядаги илмий-текшириш институтлари, Тўпқопи музейи, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж давлат музейи сингари муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатиб, кўплаб меморандумларга имзо чекишган. Бундай ҳамкорликлар марказнинг илмий, маданий манбаларини бойитиш билан бирга халқаро доирада фаолият юритишига ҳам имкон яратади.” [11]Бу каби ижобий ишларнинг саноғини яна узоқ давом эттириш мумкин. Аммо бугунги кунда Исломни ниқоб қилиб олганлар бу каби тарихий фактларни ё билишмайди, ёки билишни исташмайди.

Маълумки, жаҳонда дин ниқоби остида турли тажовузкор ғояларни тарғиб қилиб, миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқараётган кучлар турли низоларга сабаб бўлмоқда. Диний экстремистик оқимлар фаолияти, террорчилик ҳаракатлари кимларнингдир манфаатлари учун беғуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда, содда инсонларни йўлдан адаштирмоқда. “XX асрдан бошлаб дунёнинг ҳар хил нуқталарида исломни нотўғри талқин қилиш, унинг асл моҳиятини яхши билмаслик, баъзан эса уни айрим гуруҳлар ва кимсаларнинг ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга уринишлари оқибатида бу дин ҳақида асоссиз қарашлар, турлича муносабатлар юзага келди.”[11]Ачинарлиси бу каби оқимларга билиб-билмай қўшилиб қолган одамларнинг оила аъзолари, норасида болалари бир умрлик руҳий зарбага дучор бўлишмоқда. Тинч-осойишта ҳаётга раҳна солинмоқда. Шу билан бирга, бошқа дин вакилларида Ислом дини ҳақида салбий тушунча ҳосил бўлишига ҳам олиб келмоқда. Узоқ тарихий негиз, инсонларнинг онг ости даражасидаги эътиқодидан фойдаланганлар - динни ниқоб



қилиб олиб, ўзларининг қандайдир сиёсий, иқтисодий манфаатларида фойдаланишмоқда. Диний илмдан беҳабар инсонлар уларнинг тузоғига тез илинишмоқда. Мисол учун Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судидан олинган маълумотларга кўра 2018 йилда пойтахтимизда диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш билан боғлиқ жами 28 та жиноий иш кўрилиб чиқилиб, уларда 36 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган. Статистик маълумотларга кўра уларнинг 4 нафари аёл киши бўлган. 20 нафар шахсга озодликни чеклаш, 14 нафарига эса, озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Улар орасида шартли ҳукм чиқарилганлар ҳамда ахлоқ тузатиш ишларига юборилганлар ҳам бор. Шу билан бирга жамоат ҳавфсизлиги ва тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш билан боғлиқ 14 та жиноий кўрилиб чиқилиб, 8 нафар шахс озодликдан маҳрум қилинган, икки нафари озодликдан чекланган бўлиб, жиноятчилардан биттаси аёл киши экан. Албатта, бундай статистик маълумотларни яна кўплаб давом эттириш мумкин. Ҳар бир рақам остида бир бахтсиз оила, завол бўлган умр, адашган қалб бор. Сабаби эса, оддий-билимсизлик... Тўғри йўлдан адашишлик. Ислом арконлари, ҳукмларини ўзининг шахсий манфаатлари йўлида нотўғри талқин қилган кимсалар сўзларига ишониш, динимизнинг асл моҳиятини билмаслик....

## **Натижалар ва Муҳокамалар (Results and Discussions)**

Ислом илми аслида, фақат эзгуликка, фақат покликка етаклайдиган муқаддас илмдир. Сўзларимиз исботи учун илмий адабиётга мурожаат қилдик. ““Аҳкоми аҳлиз-зимма (“мусулмонлар зиммасидаги ҳукмлар”) деган қонунлар йиғиндиси китобида (муаллифи Ибн ал-Қаййим ал-Жавзийя): “Мусулмон билан бирга уларнинг ҳимоясида яшовчи ғайридинлар барча тегишли ҳуқуқларга эгадурлар”, дейдилар. Уларни камситув оғир гуноҳлардандир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда равшан баён этади (...)Яъни, “Аллоҳ сизларни сизга қарши дин учун қурол ишлатмаган ва юртингиздан ҳайдаб чиқаришга уринмаган ғайридинлар билан эзгуликда яшаш, уларга инсоф қилишдан сизларни манъ қилмайди. Батаққақ Аллоҳ адолатли кишиларни яхши кўради (...) Шу даъватларга мувофиқ ҳар бир мусулмон киши ўзи билан бир жойда яшаётган ва ишлаётган ғайридинлар билан тинч-тотув яшашга, унга адолат ва инсоф билан муомалада бўлишга даъват қилинган. Уларга умумий раҳмдилик ва шафқат назари билан қараш, ҳаётининг барча соҳаларида ҳамкорлик қилиш буюрилган” .[1,39 -40] Ислом динининг ана шундай умуминсоний пок асоси туфайли неча асрлардан бери турли дин вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда келишиб яшаб келишмоқда. “Масалан, (...) Сурия ва Мисрда миллионлаб насронийлар, Ироқда Собинлар, Бухоро ва Самарқандда кўплаб яҳудийлар минг йил давомида яшаб келмоқдалар. Мусулмонлар уларни тазйиқ остига олинганлари ва мажбуран ислом динига киргизиш учун ҳаракат қилмаганлари тарихда аёндр” .[1,40]

Хўш, нима учун сўнгги ярим асрлик давр ичида диний кесимдаги зиддиятлар дунёдаги нотинчликка сабаб бўлмоқда? Нима учун одамлар ўз ихтиёрлари билан бундай оқимларга қўшилиб қолишмоқда? Нима учун ота-оналар ҳеч қандай педагогик, тиббий талабларларга жавоб бермайдиган, малакали мутахассислар жалб қилинмаган хужраларда фарзандларини дин асосларидан сабоқ олишига йўл қўйиб беришмоқда?



Ечилмаган муаммолар, жавобини кутаётган саволлар бисёр... Биргина мақола, хужжатли фильмни тайёрлаш орқали уларни ҳал қилиб бўлмайди. Неча асрлардан бери маънавий камолотга етаклаган Ислом дини бугунги кунда бузғунчи ғояларга асос бўлаётгани кишини ҳайратлантиради.

## Хулоса (Conclusion)

Илм-фан тараққий этган бугунги ахборот асрида инсон психологияси, физиологияси ўзгармаган. Барча физиологик эҳтиёжлари билан бирга ҳар бир одамда руҳий, маънавий эҳтиёжлари ҳам мавжуд. Ишониш, эътиқод қилиш шулар жумласидандир. Эътиқодларига кўра маълум бир билим, маърифатга эга бўлиш ҳар бир инсоннинг табиий эҳтиёжидир. Балки ёмон ниятда эмас, ана шундай ота-боболардан мерос бўлиб келаётган диний маърифатни ўрганишни мақсад қилиб туриб, баъзилар йўлдан адашаётгандир? Соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган махсус билим юртларида Ислом илмини ўргатиш баробарида, оддий одамларга бу борада маълум билимларга эга бўлиш учун шароит қилиб бериш - бугунги кунда давр талаби бўлмадимикан?... Бу борада соҳа мутахассислари билан бирга мутасадди раҳбарларнинг зарур қарорларни чиқаришларини кутиб қоламиз.

Мақола муқаддимасидаги ҳолатга қайтадиган бўлсак, сўнгги йилларда бутун дунёда Ислом динига бўлган салбий муносабат шаклланган. Бу эса, сиёсий, ижтимоий муаммоларга сабаб бўлиш баробарида иқтисодиёт ривожига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Мисол учун, юртимизнинг туристик салоҳияти, туризми йўналишида инвестиция киритиш имконияти ниҳоятда юқори. Ташриф буюраётган хорижлик меҳмон мутахассисларни, бой-бадавлат ишбилармонларни миллий маданиятимиз, тарихимиз, динимиз ҳақидаги тасаввурини бойитсак уларнинг сони янада ортади. Ислом динига эътиқод қилувчи халқимизнинг барчага ўрناк бўла оладиган ахлоқий меъёрлари, қадриятлари ҳақида сўзлаб бериб, чет элликларни ҳавасини келтириш мумкин эмасми? Ҳозирда жаҳон аҳлига Ислом цивилизациясининг асл тарихий моҳиятини тушунтириш вақти келмадими? Бунинг учун, аввало, ўзлимизни ўзимиз тушунишимиз, англашимиз, пок динимиз, покиза эътиқодимиздан фахрлишимиз керак. Биз учун Ислом илмини ўрганиш, ўргатиш вақти келди.

## References:

1. Абдуғани Абдулла ўғли. Мусулмонлик ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари. Т.: Адолат.1993 й
2. Раҳматуллоҳ Расулжон ўғли. Ислом дини нима. Т. : Мадина. 1992 й.
3. Убайдулла Уватов: Буюк юрт алломалари. Т.: Ўзбекистон. 2017 й.
4. <http://ferlibrary.uz/imom-al-buhoiy>
5. <https://shosh.uz/abu-iso-muhammad-termiziy-824-892/>
6. <https://arboblar.uz/uzkr/people/abu-ali-ibn-sina>
7. <https://www.uzavtoyul.uz/cy/post/ozbekistonda-islom-sivilizatsiyasi-markazi-tashkil-etiladi.html>
8. <http://e-adabiyot.uz/kitoblar/qollanmalar/tasavvuf-nazariyasi-tarixi/870-qollanma.html>



9. <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/453>
10. <http://cisc.uz/habar-Islom-san-atining-bashariyat-sivilizasiyasini-yaratish-va-tinchlik-qadriyatlarini-tarqatishga-qo-shgan-hissasi-mazusida-virtual-uchrashuv-bo-lib-o-tdi>
11. <http://www.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/2727>
12. [http://www.adolatgzt.uz/news\\_latest/glavnaya-novosty/5171](http://www.adolatgzt.uz/news_latest/glavnaya-novosty/5171)
13. <https://xs.uz/uzkr/post/muftij-shajkh-ravil-gajnutdin-ozbekiston-uchun-eng-maqbuli-oz-merosiga-tayanish-va-butun-bashariyatga-asl-islom-qadriyatlari-namunalarini-yorqin-namoyon-etishdir>
14. <https://islaminstitut.uz/5442>
15. <https://religions.uz/news/detail?id=294>